

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 1-may, chorshanba № 32 (15670)

Xalqaro fan olimpiadasi

Икки олтин, беш кумуш, саккиз бронза

Шу йилнинг 24-30 апрель кунлари юртимиз мезбонлик қилган кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси ниҳоясига етди.

Кеча Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалида мазкур олимпиаданинг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва муассасалар вакиллари, халқаро ташкилий қўмита аъзолари, ўрта-махсус таълим ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Бундай нуфузли фан олимпиадасига Ўзбекистоннинг мезбон этиб танланиши юртимизда илм-фанга, таълимга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар ва шароитлар эътирофи ва самарасидир. Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни доирасида изчил амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар иқтидорли ўқувчиларни кашф этиш, уларнинг ноёб истеъдодларини рўёбга чиқариш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда. 47-халқаро Менделеев олимпиадасига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, ташкилий қўмита аъзолари буни алоҳида таъкидлаб, юртимизда таълимга қаратилаётган юксак эътиборга юқори баҳо беришди.

Мазкур олимпиада ўқувчилар билимини синондан ўтказиш, улар ўртасида илмий рақобат ва дўстона фикр алмашиш муҳитини яратишда мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилди. Дунёнинг 17 давлатидан келган 117 нафар иқтидорли йигит-киз иштирокида олимпиада қизгин кечди. Тенгдошларимиз уч босқичда — икки назарий ва бир экспериментал турда ўз юрти шарафини муносиб ҳимоя қилишга астойдил интилди.

Бу йилги олимпиадада иштирок этган йигирма нафар ҳамюртимиз билим ва иқтидорда ҳеч кимдан кам эмаслигини намойиш этди. Юртимизда таълимга қаратилган эътибор, саъй-ҳаракатлар, интилишлар, албатта, ўз сўзини айтди: ўн беш нафар ўзбекистонлик тенгдошимиз олтин, кумуш, бронза медаллар билан тақдирланди. Улардан бири, 47-халқаро Менделеев олимпиадаси олтин медали совриндори Билолиддин Шаробиддинов ўз қувончини биз билан баҳам кўрди:

— Ушбу нуфузли олимпиаданинг юртимизда ўтказилиши — биз учун улкан шараф, ифтихордир. Мезбон иштирокчилар сифатида хорижлик тенгдошларимизга юртимизнинг гўзал, хушманзара гўшаларини кўрсатдик. Осмонўпар биноларимизнинг яратилиши тарихи, истиқлол йилларида эришган оламшумул ютуқларимиз ҳақида сўзлаб бердик. Бу олимпиада том маънода биз учун дўстлик, ҳамжиҳатлик байрами бўлди.

Олимпиаданинг биринчи, иккинчи кунларида иштирокчилар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Бунёдкор» стадиони сингари диққатга сазовор жойларда бўлди. Шундан сўнг олимпиадачилар «Афросиёб» тезюрар поездида Самарқанд шаҳрига бориб, табаррук қадамжоларни зиёрат қилишди, мустақиллик йилларида юртимизда қад ростлаган ва аждодларимиз бунёд этган муҳташам иншоотлар билан танишишди.

— Тошкент ва Самарқанд менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди озарбойжонлик иштирокчи Балагардаш Баширов. — Олимпиада баҳонасида Ўзбекистондаги кўплаб тарихий жойлар билан танишдим. Айниқса, Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуаси, Улугбек расадхонасида кўрган-кечирганларимни бир умр ёдимда сақлайман. Олимпиада юксак даражада ўтди. Машғулотлар учун барча шароитлар яратилди. Энди юртимга кумуш медаль билан бирга, Ўзбекистондан унутилмас эсдаликлар олиб бораман. Бу ерда кўрганларимни тенгдошларимга ҳам айтиб бераман.

47-халқаро Менделеев олимпиадасининг тантанали ёпилиш маросимида ғолибларни тақдирлаш босқичи ҳаяжонга бой бўлди. Кимё фанидан терма жамоамиз аъзоларидан икки нафари олтин, беш нафари кумуш, саккиз нафари бронза медаль билан тақдирланди.

Олимпиаданинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири



Тўйлардаги дабдабалар

Кимга фойдаю, кимга зарар?

Одатда, матбуот анжуманларига бирор яхши хабар, янгилик олишни ният қилиб борамиз. Мақсадимиз сиз, ўқувчига маълум. Биттагина бўлсаям ибратли гап топсак ва айтишади-ку, гап эгасини топади деб, ана шу ибратли гапни ўз «эга»ларига етказсак, деймиз. 29 апрель куни Миллий матбуот марказида уюштирилган прессконференциядан умидимиз ҳам шу эди...

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманининг мавзуси долзарб, унда тўй-маъракаларни ўтказишда исрофгарликка йўл қўймаслик, бунда фақатгина мутасадди идораларнинг эмас, жамоатчиликнинг ҳам иштироки муҳимлиги хусусида гаплар бўлди.

Анжуманда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбо-

сари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Жовдат Иноғомов журналистлар саволларига жавоб бериш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тар-

тибга солиш тўғрисида»ги фармони, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2012 йил 18 апрелдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 10 сентябрдаги «Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг ижроси қай тарзда амалга оширилаётгани ҳақида ҳам маълумот беришди.

(Давоми 2-бетда)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚЛПОБИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

**Тўрткўл
индустриал
педагогика
коллежида «Сиз
«Камолот»ни
биласизми?»
кўрик-танлови
бўлиб ўтди.**

Унда тумандаги умумтаълим мактабларининг «Камолот» ЁИХ бошланғич

ташкilotлари етакчиларидан иборат «Шўраҳон», «Ёш етакчилар», «Орзу», «Учкун-1», «Учкун-2» жамоалари қатнашди. Улар учта шарт асосида беллашди.

Танловда ҳар бир мактаб ўқувчилари ўзларининг бадиий чиқишларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, «Шўраҳон» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. «Орзу» жамоаси иккинчи, «Учкун-1» жамоаси учинчи ўринни банд этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бўка туманида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» ёшлар фестивали доирасида «Камолот» ҳафталиги лойиҳаси ўтказилди.

Лойиҳа давомида тумандаги марказий стадионда ва касб-хунар коллежларида волейбол, белбоғли кураш, футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика бўйича мусобақалар ташкил этилди. Таълим муассасаларида «Глобаллашув шароитида ёшларни маънавий-ахлоқий шаклланишининг долзарб масалалари» мавзuida туркум тадбирлар ташкил этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури ва унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан ёшларни давлат ҳокимияти органи ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила» акцияси эса ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Унда югуриш марафони, асфальтга расм чизиш, соч ўриш тадбирлари амалга оширилди.

«Камолот» ҳафталиги тумандаги барча таълим муассасаларида, корхона ва ташкilotларда бўлиб ўтди.

Тўйлардаги дабдабалар

Кимга фойдаю, кимга зарар?

(Давоми, боши 1-бетда)

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар замирида нима борлиги ақл юргизганларга маълум. Бироқ мавжуд тартиб-қоидаларни билмаганга олиб ёки билса ҳам риоя этмасдан, ҳануз кимўзарга мусобақалашадиган тўйчилар, маъракачилар йўқми? Бор, албатта. Эҳтимол, улар учун алоҳида «тартиб-қоидалар», алоҳида «мезонлар» бордир? Йўқ, албатта. Хўш, унда дейлик, қоидаларга кўра, икки-уч санъаткорнигина хизматга таклиф этиш мумкин бўлгани ҳолда, тўйини «гала-концерт»га айлантириб юборадиганларга ёки бўлмасам, ўша тўй ўтказиладиган тўйхоналарга қандайдир чоралар кўриладими ўзи? Мухбирлардан бирининг ана шу мазмундаги саволига,

мутасаддилар қисқа, аммо жуда аниқ жавоб беришди:

— Тартиб-қоидалар ҳаммага баробар, ҳеч қандай алоҳида мезонлар ҳам йўқ, — деди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Фарида Абдурахимова. — Тўйхоналарга келсак, Тошкент шаҳридаги лицензияга эга тўйхоналардан бирортаси, дейлик, белгиланган тартибларни бузса, ўша тўйхона, аввало, огоҳлантирилади. Ҳолат такрорланса, жаримага тортилади. Учинчи марта ҳам қоидаларни бузса, лицензия бекор қилинади.

Матбуот анжуманида яна бир гап эътиборни тортди. Пойтахтда амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижасида кейинги вақтларда тўй-ҳашамларга қилинаётган харажатлар миқдо-

ри уч-тўрт баробар қисқарибди!

— Одамларимиз мажбурият туфайли эмас, онгли равишда ортиқча дабдаба ва ҳашамларнинг зиёнини англаб етаётганидан хурсандмиз, — деди юқоридаги маълумотни келтирар экан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Тошкент шаҳар бўлими раиси Жовдат Иноғомов.

Мазкур янгиликни қоғозга туширганда сезмаган эканман. Анжумандан чиқдим-у, ёзиб олганларимни кўздан кечири туриб, шу маълумотга келганда, ҳам қувондим, ҳам ўйланиб қолдим. Вилоятларимизда ҳам ҳамкасбларим шундай янгиликни эшитаётганмикан?..

**Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири**

«Bunyodkor — 2013»

Бунёд этамиз, юртни обод этамиз!

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида маҳаллалардаги ташаббускор кўнгилли ёшлардан тузилган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳларини Бухоро вилоятига кузатиш маросими бўлиб ўтди.



Меҳнат гуруҳлари Тошкент шаҳри ва Наманган ҳамда Тошкент вилоятларидан юз нафарга яқин ёшлардан тузилган. Улар Бухоро вилоятида бўлиб ўтадиган «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг тайёргарлик ишларига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиш ташаббуси билан чиқишган.

— Вақтинча ишсиз юргандим, энди эса ишли бўлдим, — дейди бекободлик тенгдошимиз Раҳмон Раҳмонов. — Шу баҳона Бухоро шаҳрини ҳам томоша қилиб келамиз. Бундай ташаббусдан биз, ёшлар хурсандмиз. Бизнинг вилоятдан вақтинча ишсиз юрган қирқдан ортиқ ёшлар ушбу меҳнат гуруҳига бирлашган.

2006 йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан манфаатдор вазирлик ва идоралар кўмагида амалга ошириб кели-

линаётган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳасининг асосий мақсади бандликка кўмаклашиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, юртимизда кечадиган бунёдкорлик ишларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, меҳнатга бўлган интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир. «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳларига 18 ёшга тўлганлар кўнгилли тарзда жалб этилиб, тиббий кўриқдан ўтказилади. Улар хавфсиз, ёшлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайдиган, кўп жисмоний куч талаб этмайдиган меҳнат объектига, хусусан, қурилиш-таъмирлаш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, педагогика, қишлоқ хўжалиги ва ободонлашти-

риш ишларига жалб этилади.

— Меҳнат гуруҳларига жалб этилган ёшлар меҳнат тури ва шарт-шароитдан келиб чиқиб, махсус кийим, иш ҳажми ва кўламига қараб иш ҳақи, шунингдек, тураржой ва иссиқ овқат билан таъминланади, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Ахтам Рўзимуродов. — Меҳнат мавсуми давомида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва маданий дам олиш тадбирлари ўтказиб борилади. Бу йилги «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси икки босқичда ташкил этилади. Биринчи босқич маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшлар ўртасида ташкил этилиб,

март ойидан декабрь ойигача давом этади. Иккинчи босқич эса олий таълим муассасалари талабалари ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ёзги таътил вақтида амалга оширилади.

Дарвоқе, шу кунларда лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилаяпти, унда иштирок этиш учун 18755 нафар ёш мурожаат қилган. Шундан 1043 та меҳнат гуруҳи тузилди. Ушбу меҳнат гуруҳларининг 467 тасида иш бошланган, уларда 5460 нафар ёш фаолият кўрсатмоқда.

**Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов
олган сурат**

Фойдали учрашув

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан ёшларни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш, ёшлар томонидан кўтарилган масала ва муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни ҳал этиш мақсадида Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судида учрашув ташкил этилди. Унда мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, «Камолот» фаоллари, бошланғич ташкilot етакчилари иштирок этди.

— Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди Ҳаракатнинг вилоят кенгаши бўлим мудири Дилшод Нарзиқулов. — Ҳамкорликда ташкил этилган бугунги

учрашув орқали ёшлар томонидан кўтарилган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ўз ҳиссамизни қўшишни мақсад қилганмиз. Бу каби учрашувларни йил давомида турли қатлам-

даги ёшлар иштирокида барча шаҳар ва туманларда ўтказишни режалаштирганмиз.

— Бугунги учрашув орқали ҳаётимизда учраши мумкин бўлган саволларга жавоб олдик. Бундай учрашувлар кўпроқ ўтказилишини истаб қолардим ва, албатта, олган маълумотларимни дўстларим ва яқинларимга етказаман, — дейди Самарқанд шаҳридаги 21-мактаб ўқувчиси Муҳаммад Зоҳиров.

Учрашув сўнггида ўқувчилар суд биноси ҳамда тарихи билан яқиндан танишдилар.

**Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири**

Harakat ko'zgusi

Янгича ёндашув ва қарашлар

Республикамизнинг барча вилоятларида «Камолот» ЁИХнинг умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари учун малака ошириш ўқув семинарлари ташкил этилди.

Тренингларда бошланғич ташкилотларда иш самарадорлигини ошириш, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида БТлар иштирокини таъминлаш, етакчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий билимларини мустаҳкамлаш, тизим фаолияти ҳамда иш юритиш ҳужжатлари билан ишлаш жараёнлари юзасидан қайта малака ошириш

масалалари қамраб олинди. Ўқувларни ташкил этишда баҳс-мунозара, очиқ мулоқот, «тенгдош-тенгдошга» методлари қўлланилди.

Семинарда умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилот етакчилари вазифалари, улар учун берилаётган имкониятлар борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айрим етакчилар ўз фаолиятини шунчаки олиб бориши натижасида мактаб ўқувчилари «Камолот» ва «Камалак» ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги айтиб ўтилди. Шу сабаб етакчиларга назарий билимлар билан бир қаторда амалий машғуллотлар ташкил этилди. Ўқувлар давомида бошланғич ташкилотлар етакчилари кўпгина ҳужжатлар билан иш-

лашни билмаслиги, керакли маълумотларга эга эмаслиги, ўз ишига лоқайдлик билан қараши каби муаммолар ҳам мавжудлиги таъкидланди.

Ушбу ўқув семинари Самарқанд вилоятида ҳам фалоллик билан ўтказилди. Унда етакчиларнинг мактабларда учраётган муаммолар борасидаги фикрлари ҳам тингланди.

— Ўтказилган семинардан кўплаб маълумотларни ўзлаштирдим. Фаолиятимда нималарга эътибор қаратишим лозимлиги ҳақида яна бир бор тушунчага эга бўлдим. Малакали мутахассислар томонидан содда ва тушунарли тарзда олиб борилган машғуллотлардан кўп нарса олдим. «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» кўрик-тан-

ловида қатнашиб, кейинги босқичга йўлланма олганлигим ўз устимда кўпроқ изланишимга туртки бўлади, — таъкидлайди Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 36-мактабнинг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Мавлуда Йўлдошева.

Дарҳақиқат, юртимизда иқтидорли ва шижоатли тенгдошларимиз кўп, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўз имкониятларидан унумли фойдаланмаяпти. Шу боис уларга берилаётган шароитлардан кенг фойдаланишлари учун йўл-йўриқ кўрсатиш марказ фаолиятининг асосий вазифасидир.

Камола ИСМОИЛОВА,
«Етакчи» ёшлар маркази бош мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ва Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги 57-сонли баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури»нинг 32-бандида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ёш олимлар ва талабаларнинг «**XXI аср — интеллектуал авлод асри**» шиори остидаги ҳудудий ва республика илмий-амалий конференциялари ўтказилади.

Ҳудудий конференцияларни ўтказиш манзили ва вақти куйидагича:

— Андижон давлат университетида (Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари учун) — 2013 йил 4-5 июнь кунлари;

— Бухоро давлат университетида (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари учун) — 2013 йил 7-8 июнь кунлари;

— Гулистон давлат университетида (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун) — 2013 йил 10-11 июнь кунлари;

— Тошкент давлат педагогика университетида (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри учун) — 2013 йил 12-13 июнь кунлари;

— Урганч давлат университетида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун) — 2013 йил 13-14 июнь кунлари;

— Қарши давлат университетида (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун) — 2013 йил 17-18 июнь кунлари.

«XXI аср — интеллектуал авлод асри» шиори остидаги республика илмий-амалий конференцияси 2013 йил 28-29 ноябрь кунлари Термиз давлат университетида ўтказилади.

Конференциянинг мақсади:

Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар модернизацияси борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шижоатидан унумли фойдаланиш ҳамда замонавий техника ва технология, ахборот-коммуникацион маданиятини пухта ўзлаштирган, мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган билимли, етук ёш олимларни тарбиялашга кўмаклашиш, улар ўртасида ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Ҳудудий ва республика конференцияларида куйидаги йўналишлар (секциялар) бўйича иш олиб борилади:

1-секция: ижтимоий-гуманитар фанлар.

2-секция: табиий фанлар.

3-секция: аниқ фанлар.

Конференцияда иштирок этиш учун талабнома ва конференция материаллари тўпламига илмий мақола тақдим этиш зарур.

Ҳудудий конференцияларда илмий мақолалар куйидаги муддатларгача қабул қилинади:

— Андижон давлат университетида — 2013 йил 18 май кунигача;

— Бухоро давлат университетида — 2013 йил 20 май кунигача;

— Гулистон давлат университетида — 2013 йил 22 май кунигача;

— Тошкент давлат педагогика университетида — 2013 йил 23 май кунигача;

— Урганч давлат университетида — 2013 йил 24 май кунигача;

— Қарши давлат университетида — 2013 йил 27 май кунигача.

Конференция материаллари тўпламига илмий мақолалар учун талабар:

— илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли тақлиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

— тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етук мутахассисларнинг камид битта тақризи билан қабул қилинади;

— муаллиф ҳақидаги маълумотнома (объективка) ва муаллифнинг паспорт нусхаси тақдим этилади;

— ҳудудий илмий-амалий конференцияда қатнашиш бўйича муаллифнинг фамилия, исми ва шарифи, мақола номи, конференция йўналиши (секция), ташкилот номи, лавозими, хизмат манзили, телефон, факс ҳамда электрон почта манзиллари кўрсатилган талабнома бўлиши зарур;

— конференция материаллари ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин;

— илмий мақолалар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 катталиқдаги қоғозга, юқоридан ва пастандан 2,5 сантиметр, чапдан 3 сантиметр, ўнгандан 1 сантиметр жой қолдириб, 1 нусхада расмийлаштирилади. Мақоланинг номи, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми ва отасининг исми ҳамда фамилияси бош ҳарфларда ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб, матннинг мазмуни 1,0 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси MS Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 12 кегел катталиқда бўлиши ва 4 бетдан ошмаслиги лозим. Электрон нусхаси диск ёки флешкага

ёзилган ҳолда юборилади ёки электрон почтадан жўнатилади.

Конференция Ташкилий қўмитаси илмий мақолаларни таҳрир қилиш ва саралаш ҳуқуқига эга.

КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЮБОРИШ ҲАМДА МАЪЛУМОТ ОЛИШ МАНЗИЛЛАРИ:

Андижон давлат университети — Андижон шаҳри Университет кўчаси, 129-уй (индекс 170100), тел.: (8 374) 222-30-62, (8 374) 222-31-91, факс: (8 374) 222-18-63. Электрон почта: anddu_anjuman@inbox.uz Масъул: Алиев Раимжон Усмонович, тел.: (8 374) 222-30-62

Бухоро давлат университети — Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси, 11-уй (индекс 200100), тел.: (8 365) 223-65-94, факс: (8 365) 223-12-54.

Электрон почта: buxdu_anjuman@inbox.uz Масъул: Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович, тел.: (8 365) 223-01-70

Гулистон давлат университети — Гулистон шаҳри 4-мавзе (индекс 120100), тел.: (8 367) 225-02-75, (8 367) 225-36-45, (8 367) 225-38-01, факс: (8 367) 225-40-42. Электрон почта: guldu_anjuman@inbox.uz Масъул: Сулаймонов Амалиддин Нурбоевич, тел.: (8 367) 225-38-01

Тошкент давлат педагогика университети — Тошкент шаҳри Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй (индекс 100100). Тел.: (8 371) 255-50-95, (8 371) 252-68-56, факс: (8 371) 215-54-18. Электрон почта: tdpu_anjuman@inbox.uz Масъул: Абдуазимов Азизжон Абдусобирович, тел.: (8 371) 255-50-95

Урганч давлат университети — Урганч шаҳри Ҳ.Олимжон кўчаси 14-уй (индекс 220100), тел.: (8 362) 226-35-67, факс: (8 362) 226-17-39. Электрон почта: urgdu_anjuman@inbox.uz Масъул: Давлетов Санжар Ражаббоевич, тел.: (8 362) 226-16-74

Қарши давлат университети — Қарши шаҳри Кўчабоғ кўчаси, 17-уй (индекс 180103), тел.: (8 375) 225-34-13, (8 375) 225-62-89, факс: (8 375) 225-57-01. Электрон почта: qarshidu_anjuman@inbox.uz Масъул: Ёзиев Лутфулла Ҳабибуллаевич, тел.: (8 375) 225-62-89

Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ

Навоий кончилиқ коллежида «Шунқорлар» харбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда беллашувнинг туман ва шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар ўн тўрт шарт бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди.

Мусобақада Нурота туман ижтимоий-иқтисодийет коллежининг «Матонат» жамоаси биринчи ўринга, Навоий шаҳридаги 2-академик лицейнинг «Темур издошлари» жамоаси иккинчи, Навбахор тумани истиқлол саннат касб-хунар коллежининг «Истиқлол» жамоаси учинчи ўринга муносиб топилди.

НАМАНГАН

Наманган шаҳрида 1997-2001 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича «Камолот» гунчалари мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИХ Наманган вилояти кенгаши томонидан ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ва вилоят гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада шаҳар ва туман босқичида ғолибликни қўлга киритган беш нафардан иштирокчи қизлар беллашди. Мусобақа халқаро ва жаҳон бадий гимнастика федерацияси томонидан тасдиқланган қоидалар асосида ўтказилди.

Мусобақада 1997-1998 йилларда туғилган қизлар ўртасида Наманган шаҳридан Наргиза Мамарасулова, 1999-2000 йилларда туғилган қизлар ўртасида Норин туманидан Дилноза Раҳимжоновна, 2001 йилда туғилган қизлар ўртасида эса Наманган шаҳридан Дилдора Ҳамидова биринчи ўринни қўлга киритди.

ЖИЗЗАХ

Жиззах педагогика касб-хунар коллежида «Менинг бизнес гоям» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда олтмиш нафар академик лицей ва касб-хунар коллежи битирувчиси ўз бизнес режалари билан иштирок этди.

Танлов давомида бўлажак ёш тадбиркорлар учун семинар-тренинг машғулоти олиб борилди. Энг яхши деб топилган олти нафар иштирокчининг бизнес лойиҳалари танловнинг республика босқичига тавсия этилди. Яна саккиз нафар иштирокчига эса кичик бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредит олиш учун тижорат банкларига тавсиялар берилди.

БОҒ ИФОРИ

Қувасойлик Қодиржон ака ниҳоят кенжа ўғлини ҳам уйлантирди. Эл улусниқидан ҳеч бир кам бўлмаган, дабдабаси ошиб ҳам кетмаган, ширингина, файзлигина тўй бўлиб ўтди. Тўйдан сўнг қариндошлар Қодиржон акани ўртага олиб ўзларича маслаҳат беришди.



— Уйинг кичкина, — дейишди улар бири қўйиб, бири олиб, — бундан буюғига икки келин жужуклари билан ҳовлингга сигмай қолишади. Яхшиси, этакдаги боғингни бузиб, бир чеккасидан қўшқават иморат қургин.

Қодиржон бир сесканиб тушди. Қариндошларга норизо кўз ташлади.

Аммо буни биров билиб, биров билмай қолди. Чунки ҳамма ҳануз тўй-тантана нашъасидан сармаст, кулиб, сўхбатлашиб ўтирарди. Қодиржон гуркираб гулга кирган боғчасига ўйчан тикилди. Уни хаёл олиб қочди...

Минг тўққиз юз саксон тўққизинчи йил. Чок-чокидан сўқиладиган Қизил империя талваса ичида тўлғониб ётарди. Мамлакатнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида ғалаёлар, қонли тўқнашувлар авж олган эди. Ўша йили кўплаб ўзбекистонликлар қатори Қодиржон Ботиралиев ҳам Чернобил фожиаси асоратларини бартараф этишга сафарбар этилди. Аммо бу мажбурий хизматдан у касалманд бўлиб қайтди. Қодиржонни сирли бир тарзда кўриқдан ўтказган махсус тиббиёт ходимлари ўзаро маънодор кўз уриштириб, бош чайқашди. Охири оқибат, эндигина ўттиз ёшни қаршилаган навқирон йигитнинг кўлига учинчи гуруҳ ногирони эканлигини тасдиқловчи паттани тутқазди. Бунинг учун ҳам уни хийла вақт сарсон-саргардон қилишди. Қодиржон ўша пайтлари туман электрлаштириш идорасида хизмат қиларди. Раҳбарлар гўё унинг соғлиғига қайғурган бўлишиб, касалманд ходимни ими-жиммида ишдан бўшатишди. Тўрт нафар фарзанднинг отаси ногиронликнинг арзимасгина нафақасига кун кўришга мажбур бўлиб қолди. Устига-устак, тураржой масаласи оғир: уч ака-ука бир этак-бир этак бола-чақаси билан ота ҳовлисига тикилишиб қолган... На биров арзингни эшитади, на биров ёрдам қўлини чўзади. Оғир ва мураккаб давр эди. Шу орада Ўзбекистон

раҳбари Ислон Каримов ўз фаолиятининг илк дамларида ноқ ҳалқ дардига қулоқ солишга, йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этишга, элнинг руҳини кўтаришга киришди. Ўша пайтлар Москвадаги тўраларнинг зуғуми остида бутун эъзоз-эътибор «оқ олтин»га қаратилар, ўзбек халқи пахта пайкалларида қулларча меҳнатга мажбур этилар эди. Ёўза пайкаллари одамларнинг эшигига босиб келган, томорқа учун, уй-жой куриш учун бирор парча ер олиш элнинг азалий армонига айланиб қолган эди. Халқ ўртасида Шўро ҳукуматига ишончсизлик, норозилик кайфияти тобора кучайиб борарди. Бу ҳол, айниқса, аҳоли ўта зич жойлашган водий вилоятларида яққол кўзга ташланарди. Ўзбекистон раҳбари муаммолар илдизини ўз вақтида кўра билиб, амалий чора-тадбирга киришди. Энг аввало, пахта пайкаллари учун мўлжалланган катта-катта ер майдонларини аҳолига томорқа тариқасида бўлиб беришга қарор қилди. Ҳали мустақил тузумнинг қиличи қайрилиб турган ўша даврда бу қарор бемисл жасорат эди! Республика раҳбарининг бундай ғамхўрлиги халқ томонидан шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Аммо ҳалихануз Москвадаги хўжайинларнинг қош-қовоғига қараб турган маҳаллий амалдорлар анчайин саросимага тушиб қолишди. Аммо қатъият, адолатли ҳолис ният ғалаба қилди! Жуда кўплаб оилалар, жумладан, Қувасой туманидаги Чуқурсой қишлоғи аҳолиси ҳам иморат қуриш учун ерли, томорқали бўлиб қолди. Ўшанда Ботиралиевлар хонадонига ҳам колхозга қарашли ҳудуддан ўн саккиз сотих ер майдони ажратиб берилди. Қодиржоннинг умри оғир меҳнат билан ўтган кекса отаси кўзларига ёш олиб пичирлади: «Арз-додимиз Яратганга етди. Юрт бошига одил, халқпарвар раҳбар келди!»

Ботиралиевларга ажратилган томорқанинг бир чеккаси

колхоз экин пайкалига туташар, шундоққина ёнгинасидан бир тегирмон сув оқиб ўтарди. Қодиржон ўзларига тегишли ерда кичкинагина боғ яратишни ният қилди. Отаси, ака-укалари ҳам уни қўллаб-қувватлади. Қодиржон тажрибали боғбонлар билан маслаҳатлашиб, томорқасига гилос кўчатлари ўтқазди. Шу орада Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритди. Аллақачон халқ меҳрини қозониб улгурган Ислон Каримов ёш давлатнинг Президенти этиб сайланди! Истиклол, Юртбоши томонидан олиб бориладиган оқилона, одилона сиёсат одамлар кўнглига ишонч ва умид уруғини қадади. Бу уруғ илдиз отди, новдалади, япроқ чиқарди. Шу элнинг бир фарзанди бўлмиш Қодиржоннинг боғи ҳам кўнгли каби гуркираб ўсди. Бир пайтлар ногиронлиги туфайли оғир моддий-маънавий аҳволда қолган инсон бутун меҳрини, куч-қувватини дов-дарахтлар парваришига берди. Албатта, бетиним меҳнат бесамар кетмади. Боғ мевага кирди! Йилдан йилга мўл ҳосил берадиган бўлди. Қодиржоннинг тирикчилиги ўнглашиб қолди. Қипқизил гилослар кўрган кўзни қувонтирарди. Ҳамқишлоқлар, йўловчилар дов-дарахтлари солланиб турган мўъжизага ҳавас билан қарашарди.

«Бу мустақиллик боғи!» — дерди боғбон гурурланиб.

Қодиржон Ботиралиев оғир-босиқ, кўпига шукур қилувчи, камига қаноатли инсон эди. Аммо ҳаёт, замон уни ҳамдам, ҳамқадам бўлишга, фаолликка, бунёдкорликка чорларди. Қолаверса, истиқлол яратиб берган имкониятлар, ҳақ-ҳуқуқ унинг кучига куч, ғайратига ғайрат, иқтидорига иқтидор қўшарди. Охири оқибат, Қодиржон Ботиралиев колхоз-совхозлар тугатилган йили бир пайтлар колхозга тегишли ўша ҳудуддан олтмиш гектар ерни ижарага олиб, фермер хўжалиги ташкил қилди. Завқли-шавқли меҳнат, турмушидаги ҳаловат, ҳатто унинг ўша эски

хасталигини танидан қувиб чиқаргандай бўлди. Қадди тик, нигоҳлари тийрак, соғлом бир кишига айланди. Деҳқон хўжалиги ҳам кундан кунга ривож топди. Аммо Қодиржон фермерликнинг улкан ташвишларига андармон бўлиб, ўша боғчасига қарашни унутиб қўймади. Аксинча, уни ҳар қачонгидан ҳам зиёдроқ меҳр-муҳаббат билан парвариш қиларди. У боғ бўйлаб кезаркан, ажиб тароватдан, хуш бир ифордан яйрар, хузур-ҳаловат топарди. Умрининг энг оғир, энг тушкун дамларида юрт раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли минглаб оилалар қатори ўзларига ажратилган шу бир парча ер буюк истиқлол муждасини келтирган эди. Бугун бу жойда барпо бўлган мўъжизагина боғ Қодиржон Ботиралиев учун инсоний кадр-қимматнинг, озодликнинг, ободликнинг тимсолига айланиб қолди. Ёрқин хотиралар билан юрагига сингиб кетди. Қариндошлар эса, мана, билиб-билмай унинг дилига озор беришяпти.

— Жуда ўйланиб қолдингиз, таклифимиз сизга ёқмади, шекилли, — деди тоғаси унга синовчан тикилиб.

Қодиржон ака хокисоргина жилмайди.

— Бу боғ бузилмайди. Уни яна кенгайтсам дейман.

— Ия, у ҳолда уй-жой масаласи нима бўлади?

— Бу масала аллақачон ҳал бўлган, — деди Қодиржон мамнун бош ирғаб, — ҳокимиятга ариза ташлаб қўйгандим. Янги қурилган намунали уйлардан бирини катта имтиёз билан беришди.

— Йўғ-е?! Қойил! — Қариндошлар завқдан қийқириб юборишди. Ҳамманинг кўз ўнгида катта йўл бўйлаб қатор-қатор қурилган замонавий типдаги уй-жойлар жонланган эди.

— Роса омадингиз чопибди, жиян, — деди тоғаси завқ билан бош тебратаркан, — ҳаммамиз ҳам ўша ҳовлиларга кириб кўрганмиз, хўб ажойиб иморат! Ҳамма шарт-шароитлари муҳайё. Шинам, файзли.

Бунақасини, ҳатто катта шаҳарларда ҳам учратиш маҳол.

Тагин бир қариндош гапни олиб кетди.

— Бугун шаҳар билан қишлоқнинг фарқи қолмади ҳисоб. Қаерга борманг ўшанака чип-чиройли қурилган иморатларга кўзингиз тушади. Кўча-кўй тўла ўзимизнинг Асакада ясалган замонавий машиналар! Ахир, бунинг ҳаммаси турмушимиз фаровон бўлаётганини билдиради-да. Ё гапим нотўғрими?

— Рост айтдингиз, ака. Аммо-лекин бундай ободончилик фақат мустақиллик шарофатидан! Шуни унутмаслигимиз керак. Муҳтарам Юртбошимизга минг раҳмат. Аввали-охир халққа ғамхўрлик кўрсатиб келяпти. Инсоннинг кадр-қимматини биринчи ўринга қўйяпти. Мана, ўзимизнинг Қодиржон. Уй олибди! Биров билиб, биров билмай қолди. Илгари, Шўро даврида аҳвол қандай эди? Қодиржондай оддий деҳқон бунақа данғиллама уйни, ҳатто тушида ҳам кўрмасди.

Қодиржон ака қўлини кўксига қўйди.

— Қуллуқ, ҳаммаларингизга қуллуқ. Келгуси ойнанинг бошида катта ўғилни ўша уйга кўчираемиз. Ҳаммангизни ҳовли тўйига таклиф қиламан.

— Албатта! Албатта, қатнашамиз!

Меҳмонлар фотиҳага қўл очишди. Этакдаги боғ енгил эпкиндан чайқалиб хушбўй ифор таратиб турарди.

Қодиржон Ботиралиев ўз сўзида турди. Чиндан ҳам бир ойдан сўнг унинг катта ўғли Қувасойдан Фарғона шаҳри томон элтувчи катта йўл бўйлаб қурилган қатор намунали уйлардан бирига кўчиб ўтди. Ҳовли тўйига ёшу қари, танишу нотаниш, ҳатто чақирилмаган меҳмонлар ҳам келишди. Чунки ҳамма янги, замонавий услубдаги тураржойларни ўз кўзи билан кўришни, чинакам халқона баҳо беришни истади.

Тўқ сарғиш рангда, бир хил фасонда тизилиб кетган, рангдор томларида қуёш жилваланаётган қатор-қатор уйлар чиндан ҳам барчанинг ҳайратига ҳайрат қўшди. Ҳовлидаги шарт-шароитлар, кенг-мўл, шинам ва файзли хоналар кўрган кўзни қувонтиради. Кўплар бундай тураржойларга эгалик қилишнинг тартиб-қоидалари ҳақида зимдан сўраб-суриштиришга киришдилар. Бу ёғи ҳаммасидан ҳам қувонарли экан! Нархлар унчалик қиммат эмас! Устига устак, имтиёзли томонлари кўп. Баъзилар тезроқ Қодиржоннинг ўғлига қўшни бўлиш учун шу ернинг ўзиданоқ туман марказига жўнаб кетди.

Қувасойда қуёш чарақлаб турарди.

Луқмон БҮРИХОН,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган маданият
ҳодими, адиб



Nafosat olami

Mustahkam oila sari

Ҳаёт гули

Лола, атиргул, бинафша, бойчечак... О-ҳо, бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Гуллар, кўрган кўзни қувнадагидан, дилларга баҳорий кайфият улашадиган гуллар. Қанчалар гўзал ва ажойиб! Қараб-қараб, баҳра олиб тўймайсан. Гўзаллигидан қанча завқлансанг, ифоридан шунча маст бўласан. Бирор гулнинг сенга «қовоқ уйиб» боққанини кўрганмисан? Йўқ, шундайми? Ҳа, улар сенга ҳамиша жилмайиб туради. Янги орзуларга, янги ҳаётга чорлайди. Бахтли бўлишингга ишонсан.

Инсонлар қизларни гулга қиёслаб, қизларига Гулчеҳра, Гулойим, Гулсанам, Гулмира, Гулжаҳон, Гуландом деб исм қўяди. Қизиқ, нимага энди фақат қизларни гулга қиёслашадими? Гуллар нозик ва чиройли, қизлар ҳам мисоли гулдек нозик ва гўзал бўлгани учунми? Йўқ, фақат шунинг учунги-

на эмас. Кишилар гул тимсолида бутун дунё гўзалликларини кўришадими. Азиз фарзандини гулга қиёслаб, ана шу гўзаллик, нафосат, хусн, латофат қизларида бўлишини хоҳлайди.

Гуллар. Менимча, улар ҳар бир инсоннинг кўксидан яшайди. Ҳа, инсоннинг қалбини гулга қиёслаш-

лари ҳам бежиз эмас. Айниқса, қиз кўнглини гулдек нозик бўлади, дейишади-ку...

Гавжум кўчада кетаяпман. Ҳар ким ўз хаёли билан. Ана, бир киши кўлида гул, шошиб бормоқда. Эҳтимол, турмуш ўртоғига, эҳтимол, онасига аталгандир бу гуллар. Тасаввур қилаяпман, агар шу инсон гулдастани онасига берса, ўша бахтиёр аёл ўглини дуоларга кўмиб ташлайди: «Раҳмат, болажоним! Бошим кўкка етди. Илоҳим, гулдек аёлингнинг, қизларингнинг, фарзандларингнинг бахтига омон бўлгин. Бошинг тошдан бўлсин!» Онангизнинг меҳрли сўзларини, овозини, гулларнинг хуш ифорими ёки тилакнинг ёқимли оҳангини юрагингизга ўчмайди-

ган бўлиб муҳрланади. Қаранг, биргина гул инсон кўнглини қанчалар кўтиради.

Ҳа, айтгандек, бир гулни ўстириш, парвариш қилиш инсондан қанчалар вақт, сабр, меҳнат талаб қилади-я. Балки шу боисдир, гулни ҳамма яхши кўради, эъзозлайди, қадрлайди. Мана, энди ўйлаб кўринг-чи, қизларни нима учун гулга қиёслар эканмиз? Улар оддий бир гул эмас, фикримча, ҳаёт гули! Боғу бўстонингиз раъногуллар, атиргулу намозшомгуллар билан қанчалик фусункор, мафтункору жилвакор бўлса, ҳаёт ҳам шу гуллар билан гўзал! Гулларни ардоқланг, севинг. Аслида, гулсиз сиз ҳам, биз ҳам бу дунёда йўқмиз!

Турсунгул ОТАРОВА,
Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддаси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги низомга кўра, ёш йигит ва қизлар турмуш қуришдан аввал тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Никоҳланувчи шахслар беш касаллик (руҳий, наркологик, заҳм, сил ва ОИТС) бўйича кўрикдан ўтказилади.

Тиббий кўрик — бахтли ҳаёт асосларидан бири

Бунда, аввало, келин-куёв турмуш қуришдан олдин бир-бирининг соғлиғидан хабардор, ўзларида бирор касаллик аниқланса, олдиндан даволаниш имконига эга бўлади, энг муҳими, келажакда соғлом фарзандларни дунёга келтириш учун ҳар томонлама соғлом бўлиш зарурлигини тўлиқ тушуниб етади. Тиббий кўрик нафақат соғлом фарзанд туғилишининг, балки оила мустаҳкамлигининг ҳам гаровидир. Агар тиббий кўрик натижаларига кўра тарафларда касалликнинг бирор тури аниқланган тақдирда ҳам никоҳдан ўтишга қарор қилинса, улар ёзма равишда розилик билдирадилар ва бу никоҳдан ўтиш учун берилган аризага илова қилинади.

Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш қанчалик муҳим аҳамият касб этиши ҳақида янада тўлиқроқ маълумот бериш мақсадида Миробод туманида ҳам қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда туман касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ҳар ойда «Ёш оила қурувчилар мактаби» ўқув-семинар машғулоти ўтказиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг февраль-март ойларида Миробод саноат коллежи ўқувчилари иштирокида «Оила шаъни муқаддас!», «Одам савдоси — оғир жиноят», «Соғлом ҳомиладорликни таъминлаш, эрта ва исталмаган туғруқнинг олдини олиш чоралари», «Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Оилавий ажримларнинг олдини олиш чоралари», «Диний экстремистик ғояларга қарши курашиш — долзарб вазифа», «Оила кодекси. Эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари» мавзуларида маърузалар қилинди. Ўқув машғулоти қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг барпо бўлиши юрт ва миллат тақдирига дахлдор масаладир. Зеро, доно халқимиз айтганидек, «Оила тинч бўлса, юрт тинч бўлади».

Гулбаҳор ҚУЛМАТОВА,
Миробод туман ФХДЭ бўлими мудир

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!..

Одамларимиз жуда ҳам содда ва ишонувчан. Бу хислат кўпинча фазилят сифатида тилга олинади. Аммо одамларнинг соддалигидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчиларнинг қилмишлари туфайли «содда бўлиб алданиб қолгандан кўра, инсон ўзига пишиқроқ бўлгани яхши экан», деган мулоҳазага бориб қолсан баъзан. Қуйидаги сатрларни ўқиганингиздан сўнг сиз ҳам мана шундай хулосага келишингиз табиий.

Кудрат дўконда оддий ишчи бўлиб ишлайди. У иложи бори-ча ҳар бир харидор билан хушмуомала бўлиб, дўконга кирган инсонларнинг ҳожатини чиқаришга интиларди. Ўша куни дўконга яхши кийиниб олган бир аёл кириб келди. Битта битта қизига бугун кутилмаганда совчилар келадиган бўлганини, уларни муносиб кутиб олиши зарурлигини айтди. Дўконни айланиб, жами бир ярим миллион сўмдан ортиқроқ бўлган турли маҳсулотлар харид қилди. Пулини тўлашга келганида эса, ҳозир ёнида етарли пул йўқлигини баҳона қилди. Қўлидаги учта узукни ечиб: «Укам, мана шу тилла узуклар сизда гаровда туриб турсин, эрта-индин пул топганимда қайтариб олиб кетаман», — деди.

Кудрат аёлнинг ишонч билан гапиришини, овозидаги самимийлигини инобатга олиб, унга маҳсулотларни бериб юборди. «Тилла» узукларни эса олиб қолди. «Тилла» сўзини кўштирноққа олиб ёзганимиздан ҳам билган бўлсангиз керак, Кудрат шу куни фирибгарлик қурбонига айланганди. Кейинчалик маълум бўлишича, аёл ташлаб кетган узуклар мисдан ясалган бўлиб, қиймати арзимоган пулни ташкил қиларди...

Ушбу ҳолат фарғоналик Гулчеҳра Соҳибова ва унинг оила аъзолари томонидан содир этилаётган биринчи фирибгарлик ҳолати эмасди. Энг ачинарлиси — одамларнинг ишончига кириб, фирибгарлик орқали мўмай даромад топишни ўзларига касб қилиб олган бу

оила аъзолари яна кўплаб инсонларни мана шундай йўллар билан «чув» тушириб кетишган.

Олтириқ туманида яшовчи М. бу фирибгар оиланинг навбатдаги қурбони бўлди. У 1200 АҚШ долларини қарзга сўраб келган Соҳибовалар оиласининг аъзоси Одинага сўралган миқдордаги пулни қарзга берди. Одина гаров сифатида ташлаб кетган тақинчоқлар тилладан эмаслигини эса, кейинроқ билиб қолди. Аммо вақт ўтиб бўлганди...

Сохта тилла тақинчоқларнинг қурбонига айланганлардан яна бири кўқонлик гўзаллик салони раҳбари Р. бўлди. Соҳибовалар у раҳбар бўлиб ишлайдиган гўзаллик салони-га келиб, унинг ишончига кириб, жами 2700000 сўм эвазига сохта тилла тақинчоқларни пуллаб кетишади. Яхши ниятлар билан катта қилаётган қизининг тўйига атаб олган тақинчоқлари қалбаки бўлиб чиққанини билганидан сўнг, алданган аёл қай аҳволга тушганини тасаввур қилаверинг...

Ишонч — инсон томонидан бошқа инсонга тақдим этиладиган энг бебаҳо нарсаси. Аммо мана

шу бебаҳо нарсани оёқости қилиб, уни суиистеъмом қилаётган фирибгарлар бу ҳақда ҳеч ҳам ўйлаб кўрмайдилар. Улар қанчалик кўп инсонларни алдаб, қанчалик кўп бойлик топсалар, шунчалик хурсанд бўладилар. Бу топаётган пуллари ҳеч қачон буюрмаслигини, унинг орқасидан рўшнолик кўрмасликларини билмайдилар.

Шу ўринда фирибгарлар қурбонига айланиб қолмаслик учун инсон бироз бўлса-да, ўз ишига пухтароқ бўлиши зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Дуч келган одамга ишонавермай, қарз олди-бердиси ёки савдо-сотик жараёнларида хушёрроқ бўлиш, ҳар бир нарсани текшириб, синаб, биладиган одамлар билан маслаҳатлашиб, кейин бир қарорга келиш лозим.

Айниқса, энди катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган, яхши ниятлар билан янги иш бошлаётган ёшлар тажрибасизлик туфайли ғараз ниятли инсонларнинг тузоғига илиниб қолишмоқда. Улар ҳали ҳаётнинг паст-баландини яхши билмаганликлари учун осонгина фирибгарларга алданиш-

моқда. «Бепул пишлоқ фақат қопқонда бўлади» деган мақол бежиз айтилмаган.

Ота-оналарга ҳам бир эътироз бор. Ҳали балоғатга етмаган, кичкина қизалоқларга турли қимматбаҳо тақинчоқларни олиб беришда эҳтиёт бўлинг! Кичкина қизлар тақинчоқларнинг қийматини аниқ билишмайди. «Алдагани бола яхши» деб бекорга айтмайди доно халқимиз. Уларнинг норасидалигидан фойдаланган Соҳибоваларга ўхшаган айрим нопок қимсалар қизчаларни алдаб, ишончига кириб, тилла тақинчоқларини ечиб кетиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Шу сабабдан ҳам ўзингизга эҳтиёт бўлинг, фирибгарлар тузоғига илинманг!

Агар ана шундай фирибгарлик билан шуғулланаётган қимсалар фаолиятдан хабар топсангиз, зудлик билан тегишли идораларга хабар беринг. Бу йўл билан сиз инсонларни фирибгарлар тузоғидан халос қилишга ўз хиссангизни қўшган бўласиз!

Акмал КАДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖК ва ТҚКББ матбуот котиби

Innovatsion texnologiyalar

Янги ғоялар,
янги ихтиролар

Пойтахтимизнинг «Ўзэкспомарказ» павильонларида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VI республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Навбатдаги ярмаркада 550 га яқин янги технологиялар, олий ўқув юртлири ҳамда тажриба-конструкторлик марказларининг илмий, илмий-тадқиқот йўналишидаги юздан зиёд ихтиролари намойиш этилди.

Таклиф этилган янги ишланма ва лойиҳалар ўзининг долзарблиги, юртимиз иқлим шароитига мослиги, экспортбонлиги, импорт ўрнини босиши ва, энг асосийси, маҳаллий хомашёлардан олинаётгани билан кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ярмарка саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим каби йўналишларни қамраб олди. Янги трансфер технологиялар бўлимидан эса, саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни

сақлаш ва фармацевтика соҳаларига оид юзлаб ихтиролар ўрин олди. Яна бир эътиборли жиҳати, иқтидорли ёшларни инновацион фаолиятга жалб этиш мақсадида «Келажак овози» республика кўрик-танлови голибларининг 74 та ихтироси намойиш этилди.

Ярмаркада қатнашаётган Жамол Иброҳимов Қарши давлат университети кимё факультетининг 4-курс талабаси. У таклиф этаётган технология — «Газ саноати корхоналаридаги чиқиндилардан

сульфат кислота ишлаб чиқариш ва экологик муаммоларнинг олдини олиш» мавзuidaги иши импорт ўрнини босувчи хомашёни маҳаллий шароитда олиш технологиясидир. Бу лойиҳа Муборак газни қайта ишлаш заводи мутахассисларининг жиддий қизиқишларига сабаб бўлди.

— Атмосферага катта миқдорда чиқариб юборилаётган газни қайта ишлаб, янги турдаги хомашё олиш билан бирга, тоза ҳавога захарли газлар чиқиб кетишининг олдини оламиз, — дейди Жа-

мол Иброҳимов. — Бу технологик линия ишлатиш учун жуда қулай, нархи ҳам арзон. Энг асосийси, чиқинди газларни қайта ишлаш технологияси жуда долзарблиги учун уни маҳаллий корхоналарда қўллаш орқали икки томонлама фойда олиш мумкин. Ярмаркада бу каби кўплаб истиқболли технологиялар, лойиҳалар, ихтиро ва ишланмалар намойиш қилинди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири



Сардор Муллахонов олган сурат

Ta'lim maskanlarida

Менежер, бухгалтер, дизайнер...

Ҳақ улар ҳақида эмас, улар етишиб чиқадиган коллеж ҳақида

Бугунги ёшлар кўрганда кишининг ҳаваси келадиган таълим масканларида иштиёқ билан ўқиб-изланишмоқда. Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи ҳам ёшларни ўзига чорловчи ўқув даргоҳларидан. 2007 йилдан буён фаолият юритаётган коллежда нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сув хўжалиги, жисмоний тарбия, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер, менежер, бухгалтерия, дизайнер, пайвандчилик, қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш йўналишларида 1145 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Ўз йўналишларида турли ютуқларга эришаётган иқтидорли ўқувчилар коллеж шаънини улуғлаш ҳаракатидалар. Мадина Тўхтаева Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзод бўлса, Зилола Собирова олимпиадачи қиз, Мубин Бафоев, Достон Тўраевни тенгдошлари ёш тадбиркор сифатида тилга олишади.

Коллежда ўттиздан ортиқ фан ва спорт тўғрисида ишлаб турибди. Минглаб ўқувчилар машғул бўлгач, уларда бўш вақтининг ўзи бўлмайди. Ўқувчиларни барча умумтаълим фанларидан

олий ўқув юртлирига тайёрлайдиган ўқув курсларининг мавжудлиги ёшлар учун яна бир қулай имконият. Қизларнинг кундалик турмушида асқотадиган пазандалик, тикувчилик курсларининг борлигидан ота-оналарнинг кўнгли тўқ.

Ташаббускор ва изланувчан устозлар ҳар бир имконият, ҳар лаҳзанинг қадрини яхши билишади.

— Ўқитувчи ўқувчининг руҳиятига таъсир кўрсатибгина унинг тафаккурини сайқаллай олади. Бугунги кун биз, ўқитувчилардан кўпроқ изланишни, таълим-тарбияни тараққиёт ва маъна-



вият талаблари асосида олиб боришни талаб қиляпти. Ўқитувчи бир қолипни дарс услубларидан узоқлашиб, ноанъанавий усуллардан фойдаланса, мақсадга эришади. Зеро, кун сайин янгилаш ва ўзгаришлар юз бериб турганда замон билан ҳамнафас бўлиб, ёшларни миллий қадриятларимизга содиқ ва баркамол қилиб тарбиялаш лозим, — дейди коллеж директори Гулмира Юсупова.

Ўқувчилар билимини мустақамлашни яхши билган ўқитувчилар турли тадбир ва очик дарслар ўтказишдан сира ҳам чарчасмайди. Ёш ва иқтидорли ўқитувчи Наргиза Халилованинг Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романига бағишланган «Аср ошган асар» мавзuidaги очик дарсига катта ўқитувчилар ҳам яхши баҳо беришди. Хуллас, коллежда мақсад сари тизимли ва давомли тарзда йўлга қўйилаётган ишлар таҳсил олаётган ёшларнинг мустақил юртга муносиб инсонлар бўлиб етишишлари учун хизмат қилади.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Болалар ҳуқуқи —
давлат ҳимоясида

Суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида мамлакатимизда оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни фуқаролик судларида кўриб чиқишнинг соддалаштирилган механизми жорий этилганлиги болалар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимояланишини кафолатлаб берди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал қонунчилигида алимент ундириш тўғрисидаги ишларни суд буйруғи тартибидан кўрилиши тўғрисида янги қонуннинг киритилиши ва оила қонунчилигида ҳам ушбу норманинг акс этиши ўз навбатида болалар тарбияси учун моддий таъминот ундириш масаласини судларда кўриб чиқишнинг осонлаштирди. Чунки ушбу иш юритиш турида

ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмайди, тарафлар суд процессига келмайди, суд ишни мазмунан кўрсатдан уч кунлик муддат ичида суд буйруғи чиқаради.

Ҳақиқатан ҳам суд буйруғи институтининг жорий этилиши ҳозирги давр талабига мос келганлиги ва фуқаролик ишларини тезда ҳал этишда ўзининг ижобий жиҳатлари билан умумий тартибда иш юритишдан фарқ қилиши сабабли, бу иш юритиш турида

фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишга ҳам татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда суд буйруғи билан боғлиқ аризаларнинг кўрилишига оид статистика маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, йилдан йилга вояга етмаган болалар учун суд буйруғи чиқарилиши ортиб бораётганини кўраемиз. Бу эса мазкур турдаги ишларни даъво тартибидан кўриб чиқишнинг камайишига, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги ишларни тез, қисқа муддатларда кўриб ҳал этилишига олиб келмоқда.

Оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни тартибга солиб турувчи оила ва фуқаролик

процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларини ижро этиш масалаларини такомиллаштириб бориш давр талабидир. Шунинг учун ҳам вояга етмаганларнинг конституциявий ҳуқуқларининг ўз вақтида ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида оила қонунчилиги, фуқаролик процессуал қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, улар ўртасидаги тафовутлар, қарама-қаршиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, бу борадаги илмий тадқиқот ишларини кучайтириш келгусидаги асосий, долзарб вазифалардандир.

Шаҳбоз ШУКУРОВ,
Юнусобод тумани
прокуратураси иш
ўрганувчи терговчиси

Қимматга тушган
эътиборсизлик

Германиянинг Дюлмен шаҳрида яшовчи, исми ошкор этилмаётган фуқаро мамлакат дўконларининг бирида қилган харида учун адашиб мавжуд бўлмаган ўттиз евролик банкнотни тўлаб кетди.

Эслатиб ўтамиз, шу вақтга қадар Европа иттифоқида беш, ўн, йигирма, эллик, юз, икки юз ҳамда беш юз-талиқ купюралар муомалага киритилган эди. Сотувчи ҳам бунга эътибор бермасдан савдо қилган. Маълумотларга қараганда, орадан бироз вақт ўтиб, дўкондорнинг ўттиз евролик пул йўқлиги эсига тушиб қолган. Дарҳол полиция ҳамда ОАВ ходимларига бу воқеа ҳақида хабар берди. Бу вақтда харидор оиласи қуршовида тушлик қилаётган эди. Ўзининг қилган иши ҳақида телевизорда маълум қилинганидан сўнг харидор полицияга борган ва «адашиб» тўлагани ҳақида хабар берган. Унинг сўзларига кўра, у пулни қирғоқдан топиб олган экан. Ёнида олиб юргани унга қимматга тушганини айтиб, узр сўради.

Йўқолган пуллар

Руминия почта хизматининг машинасида бир халтачадаги пул йўлда тушиб қолди.

Қопчада 12500 леев (3750 АҚШ доллари) бор эди. Автомобиль йўлда қопча йиртилиб, барча пуллар ерга сочилиб кетди. Натижада, йўлда келадиган машиналар тўхтаб, барча ҳайдовчи ва йўловчилар пул теришга киришиб кетдилар. Бу эса, ўз навбатида, тирбандликни келтириб чиқарди. Полиция ходимлари эса бу ерга тирбандлик сабаб келиб, бошқа муаммо гувоҳи бўлдилар. Халтачадаги маълумотлар орқали почта хизматида хабар берилди. Бу вақтда пулни йўқотган ҳайдовчи саросимада эди. Унга ҳозир қандай жазо қўлланилиши аниқ эмас. Машинадан қандай тушириб қўйганини ўзи ҳам билмайди. Полиция пулни териб олганлардан қайтаришларини сўради. Ҳозирча 12500 леевдан 490 леев қайтарилди, холос.

Хайрия парвози

Асли Жанубий Африкалик бўлган Мэтт Силвер-Вэлленс хайрия парвози тадбирини ўтказди.

Айни дамда Буюк Британияда яшайдиган 37 ёшли Мэтт Силвер-Вэлленс тиббий ускуналар савдоси билан шуғулланади. Қаҳрамон гелий билан тўлдирилган 160 дона шар ёрдамида Атлантика океани устида нақ олти километр парвоз қилди. Маълумотларга қараганда, у парвоз қилган ҳудуд Атлантиканинг акулаларга бой қисми саналади. Меттнинг айтишича, у миллион долларгача маблағ тўплаш ниятида эди. Тушган пулни у ЖАРда қуриладиган болалар шифохонасига сарфламоқчи бўлган. Ҳозирча у қайиқларда томоша қилган томошабинлардан керакли пулни йиғиб олгани ҳақида хабар йўқ.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Футбол ишқибозлари учун ажойиб янгилик!

Барча футбол ишқибозларини 18 май кун...

Батафсил маълумотларни www.kamolot.uz веб-сайти ҳамда...

"KAMOLOT" KUBOGI FINAL BOSQICHI VA MASHHURLAR ISHTIROKIDA FUTBOL SHOU-DASTURI... 18-MAY «PAHTAKOR» MARKAZIY STADIONIDA SOAT 17:00 DA!

Large crossword puzzle grid with numbered squares and some pre-filled words.

Barhayot an'analar

Тошкент педагогика коллежида «Наврў ва қадриятлар» кўрик-танловининг якуний...

Танлов бизни дўстлаштирди

Бундан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш...

Мусобақа иштирокчилари уч шарт асосида беллашдилар. Аввал ташкилотчилар томонидан тайёрланган саволларга қатнашчилар қисқа ва аниқ жавоб беришга ҳаракат қилишди.

Бу сингари беллашувлар нафақат билим ва иқтидоримизни синашга ёрдам беради, балки бизларни бир-биримизга яқинлаштиради...

Кўрик-танлов сўнигида мусобақа ғолибларига ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зухра УМАРОВА, Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси

YON DAFTARCHANGIZGA

Меъёр табиатнинг ҳамроҳи ва иттифоқдошидир. Меъёрга риоя қилинмаганида ҳар қандай лаззат ҳам ададсиз азоб-уқубатларга олиб келади.

Лев Толстой

МУАССИС:

«KAMOLOT» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева Дилбар Эркиновна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилими: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-543. Адади — 13598

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00 ЎЗА якуни — 22.50

Офсет усулида босилган.